

Жоиз бўлмаган ўйин ва ҳазиллар



21:00 / 21.02.2019 4804

Абдуллоҳ ибн Соиб отасидан, у эса бобосидан ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Бирортангиз соҳибининг нарчасини ўйнаб ёки жиддийлик билан олиб қўймасин. Агар ҳассасини олиб қўйса ҳам дарҳол қайтариб берсин», деганларини эшитдим». Шарҳ: Демак, ўйин ё ҳазил қилиб, бировнинг нарчасини беркитиб қўйиш, уни ташвишга солиш, хижолат қилиш, кейин ортидан мазах қилиб кулиш мўмин-мусулмонларга тўғри келмас экан. Мўмин-мусулмонлар бундай ишларни мутлақо қилмасликлари шарт экан.

Албатта, бу каби ишлар мўмин кишига озор ҳисобланади. Мўминга озор бериш эса мумкин эмас. Бу мўмин-мусулмонлик одобига тўғри келмайди.

Агар бирор нарсани олган бўлса, дарҳол ўрнига қайтариш керак экан. Йўқса, эгаси уни ахтариб хижолат бўлиши ва озор топиши юзага келади.

Бас, шунга ўхшаш мўмин-мусулмонларга озор етказадиган ўйин ва ҳазилларнинг яқинига йўламаслик керак.